

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 24 » апрель 20 19 у.

№ 349

Toshkent sh.

**Мувофикликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш  
соҳасидаги ишларни тақомиллаштиришга доир қўшимча  
чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 10 январдаги ПФ-5624-сон Фармонини бажариш, шунингдек, мувофикликни баҳолаш органларини халқаро стандартларга мувофик аккредитациядан ўтказиш миллий тизимини янада тақомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. “Ўзстандарт” агентлиги тузилмасида мувофикликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказувчи маҳсус ваколатли орган хисобланган “Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги хузуридаги Аккредитация маркази” ДУК (кейинги ўринларда Аккредитация маркази деб аталади) ташкил этилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар Аккредитация марказининг устувор вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

мувофикликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказишида аккредитация жараёнининг бетарафлиги ва холислигини таъминлаган ҳолда манфаатлар тўқнашувига йўл кўймаслик;

Аккредитация бўйича Осиё-Тинч океани ҳамкорлигига (APAC), Лабораториялар аккредитацияси бўйича халқаро ташкилотга (ILAC) ва Аккредитация бўйича халқаро форумга (IAF) тўлақонли аъзо сифатида кириш;

аккредитация миллий тизимини халқаро нормалар ва мезонларга мувофик доимий равишда ривожлантириш ва қўллаб-кувватлаш, ISO/IEC 17011 халқаро стандарти талабларига риоя килиш;

аккредитация тартиб-таомилларига таалукли зарур ахборотни, шу жумладан, ўзининг расмий веб-сайт оркали эркин олиш имкониятини яратиш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида аккредитация бўйича ишлар натижаларининг хорижий мамлакатлар томонидан эътироф этилишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўриш;

аккредитациядан ўтказилган ташкилотлар ва уларнинг аккредитация соҳаси тўғрисидаги маълумотлар базасининг шакллантирилиши ва долзарб ҳолатда сакланишини, шунингдек, тегишли ахборотнинг махфийлигига риоя қилган ҳолда жамоатчиликнининг улардан фойдаланишини таъминлаш.

**3. Куйидагилар:**

Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

“Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳузуридаги “Аkkредитация маркази” ДУКнинг Аkkредитация бўйича Осиё-Тинч океани ҳамкорлиги (APAC), Лабораториялар аккредитацияси бўйича халқаро ташкилот (ILAC) ва Аkkредитация бўйича халқаро форумга (IAF) тўлақонли аъзо сифатида кириши бўйича тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**4. Белгилаб қўйилсинки:**

мувофиқликни баҳолаш органлари аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида олдин берилган гувоҳномалар ҳақиқий ҳисобланади ва Аkkредитация маркази мувофиқликни баҳолаш органлари ва метрология хизматлари фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш натижаларига кўра, аккредитациядан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномани тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қиласа, ушбу гувоҳномалар бундай қарор қабул қилинган санадан бошлаб ўзининг амал қиладиган муддатига қайта расмийлаштирилиши лозим;

Аkkредитация маркази ходимларининг лавозим маоши 2 баравар миқдордаги коэффициентни қўлланган ҳолда, Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашга доир тасдиқланган разрядларга мувофиқ белгиланади;

аккредитациядан ўтказишда, инспекция назоратида ва уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қилишда, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг Аkkредитация маркази фаолиятига ҳар қандай шаклда аралashiши ва таъсир кўрсатишига йўл қўйилмайди.

**5. Аkkредитация марказига қўйидаги ҳукуқлар берилсин:**

аккредитация соҳасида идоралараро хусусиятга эга, шу жумладан, хорижда аккредитация ишлари натижалари эътироф этилишини таъминлашга қаратилган халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

ISO/IEC 17000 халқаро стандартларига, шунингдек, Аkkредитация бўйича Осиё-Тинч океани ҳамкорлиги (APAC), Лабораториялар аккредитацияси бўйича халқаро ташкилот (ILAC) ва Аkkредитация бўйича халқаро форум (IAF) талаблари ва тавсияларига мувофиқ аккредитация таргиботлари бўйича қоидалар, йўрикномалар ва низомлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

тренинглар, семинарлар ўтказиш ва баҳоловчилар, техник экспертлар, шунингдек, мувофиқликни баҳолаш соҳасида иштирок этувчи мутахассислар малакасини баҳолаш;

ўз хизмат вазифаларини вижданан ва самарали бажарёттган ходимларга ўз маблағлари хисобидан лавозим маошининг икки баравари миқдоригача бўлган миқдорда ҳар ойлик устамалар тўлаш;

энг яхши амалиётларга мувофиқ вазифаларни сифатли бажариш максадида мустакил маслаҳатчилар ва экспертларни, шу жумладан хорижий маслаҳатчилар ва экспертларни шартнома асосида жалб қилиш;

ушбу қарор талабларига мувофиқ Аккредитация марказининг тузилмасини, ходимларининг штатдаги сони ва иш ҳаки миқдорларини мустакил тасдиқлаш.

#### 6. “Ўзстандарт” агентлиги:

Аккредитация маркази, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар, нодавлат ташкилотлар вакиллари, тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахслар иштирокида аккредитация миллий гизимини ривожлантиришининг стратегик йўналишларини белгилаб берувчи ва Аккредитация маркази ушбу йўналишларга эришиши юзасидан мониторинг олиб борувчи Аккредитация бўйича кенгашни ташкил этсин;

ўз фаолиятида, шунингдек, тасарруфидаги ташкилотлар фаолиятида Аккредитация маркази мустақиллiği ва холислигига шубха уйғотиши мумкин бўлган бирор-бир хатти-харакатларни амалга оширмасин;

Аккредитация маркази директорини тайинлашда ILAC ва IAF талаблари ва принципларига, ISO/IEC стандартларига ҳамда Аккредитация бўйича кенгаш гавсияларига амал қилсин;

икки ой муддатда республика ҳудудида амал киладиган ISO/IEC 17000 стандартларининг долзарбетиги ва жаҳон миқёсига амал киладиган стандартлар билан бир хиллигини қайта кўриб чиқсин;

уч ой мулдатда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда жаҳон тажрибаси асосида мувофиқликни баҳолаш органилари ваколатларини баҳолашни уларнинг олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқкан ҳолда, шу жумладан уларни Аккредитация маркази томонидан макулаш ва/ёки нотификация қилиш йўли орқали аккредитациядан ўтказиш тартиб-таомиллари ўрнига муқобил ва соддалаштирилган баҳолаш турларини жорий этиш бўйича Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсин.

#### 7. Аккредитация маркази раҳбари зиммасига қўйилагилар учун шахсий масъулият юклансин:

мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ILAC, IAF талабларига ва ISO/IEC стандартларига асосланган принципларга сўзсиз риоя қилиш;

аккредитация бўйича ишларни бажаришда холислик, бетарафлик ва мустақилликни таъминлаш;

баҳолашни амалга оширишда иштирок этмаган Аккредитация марказининг малакали шахслари билангина аккредитация бўйича қарор қабул қилиш;

аккредитация бўйича фаолиятнинг холислиги, бетарафлиги ва мустақиллигини шубха уйғотиши мумкин бўлган хизматларни кўрсатмаслик.

#### 8. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг З-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

9. “Ўзстандарт” агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул килган норматив-хукукий хужжатларни иккى ой муддатда ушбу қарорга мувофикалаштирун.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг ёқилғи-энергетика соҳаси ва саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари котибиятига ва “Ўзстандарт” агентлиги бош директори Д.Н.Саттаров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Махкамасининг  
2019 йил “24” апрелдаги 349 - сон қарорига  
1-илова

**Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан  
ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом – Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги хузуридаги Аккредитация маркази” ДУКда (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) қонун хужжатларига мувофиқ аккредитациядан ўтадиган мувофиқликни баҳолаш органлари ва метрология хизматлари фаолиятини аккредитациядан ўтказиш ва инспекция назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

**аккредитация комиссияси** – баҳоловчилар, жалб қилинадиган техник экспертилар, шу жумладан баҳолашда иштирок этмаган халқаро экспертилардан иборат Марказ хузурида ташкил этиладиган комиссия бўлиб, аккредитация ва инспекция назорати бўйича ишлар натижаларини кўриб чикиш ҳамда ушбу Низомда назарда тутилган тегишли қарорларни қабул қилиш унинг асосий вазифаси хисобланади;

**аккредитация** – мувофиқликни баҳолаш бўйича фаолиятнинг муайян соҳасида ишларни бажаришга юридик шахсларнинг ваколатларининг Марказ томонидан расман тасдиқланиши;

**аппеляция комиссияси** – аппеляция берган аккредитация обьектини баҳолашда иштирок этмаган ва аккредитация комиссияси таркибида бўлмаган, шу жумладан, халқаро, баҳоловчилар, жалб қилинадиган техник экспертилардан, иборат Марказ томонидан ташкил этиладиган комиссия бўлиб, аккредитация комиссиясининг қарорлари бўйича аппеляцияни кўриб чикиш унинг асосий вазифаси хисобланади;

**иккинчи томон** – мувофиқлиги баҳоланаётган обьектдан истемолчи сифатида манфаатдор бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

**ариза берувчи** – Марказга аккредитация тўғрисидаги тегинсли ариза билан мурожаат килган юридик шахс ёки у томонидан белгиланган тартибда ваколат берилган шахс;

**миллий аккредитация тизими белгиси** (кейинги ўринларда аккредитация белгиси деб аталади) – аккредитациядан ўтказилган мувофиқликни баҳолаш органлари ва метрология хизматларининг аккредитация мақомини белгилаш максадида улар томонидан кўлланиши учун мўлжалланган Марказ томонидан бериладиган белги;

**инспекция назорати** – мувофиқликни баҳолаш органлари ва метрология хизматларининг аккредитация даврида белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида аМарказ томонидан даврий баҳолаш тартиб-таомили;

**аккредитация соҳаси** – аккредитация сўралаётган ёки тақдим этилган мувофиқликини баҳолаш бўйича фаолиятнинг муайян соҳаси;

**аккредитация объекти** – мувофиқликини баҳолаш органлари ва меторология хизматлари, шу жумладан уларни баҳолаш жараёнида;

**мувофиқликини баҳолаш органлари** – юридик шахслар ҳисобланадиган ва мувофиқликини баҳолаш бўйича ишларни бажариш учун белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган инспекция органлари, тиббий, синов ва калибрлаш лабораториялари (марказлари), провайдерлар, маҳсулотни, хизматларни, менежмент тизимларини, ходимларни сертификатлаштириш органлари;

**баҳолаш** – аккредитациянинг аник бир соҳаси учун техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар асосида аккредитация объекти ваколатли эканини аниклаш мақсадида Марказ томонидан амалга ошириладиган жараён;

**баҳоловчи** – мувофиқликини баҳолаш органи ва меторология хизматларини мустақил равишда ёки баҳолаш гурухи таркибида баҳолаш учун Марказ томонидан тайинланган шахс;

**биринчи томон** – ишлаб чиқарувчи ёки хизматлар кўрсатувчи манфаатларини ифодаловчи юридик шахс;

**баҳолаш гурухи раҳбари** – зиммасига баҳолаш жараёнига раҳбарлик қилиш учун умумий масъулият юкланган ва Марказ томонидан ваколат берилган баҳоловчи;

**аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома** – аккредитациянинг белгиланган соҳасида ишларни бажариш учун мувофиқликини баҳолаш органининг ва метрология хизматининг ваколатли эканлигини тасдиқловчи ҳужжат;

**техник эксперт** – ишларни ташкил этиш, мувофиқликини баҳолаш соҳасидаги жараён ёки фаолият хусусида маҳсус билим ва тажрибага эга бўлган, шартнома асосида аккредитация объектини баҳолаш ва инспекция назоратини ўтказиш учун Марказ томонидан жалб қилинадиган жисмоний шахс;

**учинчи томон** – биринчи ва иккинчи томонлардан мустақил бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

## 2-боб. Аккредитация талаблари ва шартлари

3. Куйидагилар аккредитациянинг умумий талаблари ва шартлари ҳисобланади:

аккредитация учун ариза берувчиларнинг ваколати ва баҳолашга кўйилган талабларни тартибга солувчи норматив-хукуқий ҳужжатларга шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжатларга мажбурий риоя қилиши;

аккредитация объектларининг нормал ва самарали фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган мулк хукуки ёки бошқа ашёвий хукуқ асосида (шу жумладан, ижара хукуклари асосида) тааллуқли бўлган бино ва иншоотлар, техник-технологик ҳамда аппарат-дастурний воситалар мавжудлиги;

жорий этилган ва амалдаги сифат менежменти тизими мавжудлиги ҳамда аккредитация объекти фаолиятида унинг талабларига риоя этиши;

малакаси аккредитация жараёнида Марказ томонидан баҳоланадиган ва аккредитациянинг ариза берилган соҳасида малакали ходимларнинг мавжудлиги. Уларнинг ўзаро алмашинувчанлигини таъминлаш;

аккредитациянинг ариза берилган соҳасига мувофиқ техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида норматив хужжатларнинг мавжудлиги;

аккредитация объектлари томонидан ушбу Низомнинг 9-бобида кўрсатилган мажбуриятларга ўз вактида риоя қилиши.

Аkkредитация қилишда аккредитация соҳасидаги халқаро қондайлар, Аkkредитация бўйича халқаро форум талаблари (IAF) ва Лабораториялар аккредитацияси бўйича халқаро ташкилот (ILAC) талаблари хисобга олинади.

4. Қуйидагилар ариза берувчини аккредитациядан ўтказиш учун кўшимча шартлар хисобланади:

а) сертификатлаш органи ва/ёки сертификатлаш бўйича инспекция органи сифатида:

аккредитация объектининг ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар, ижрочилар ва истеъмолчилардан мустакиллиги;

баҳоланаётган объектнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатида белгиланган мажбурий кўрсаткичларининг аксарият қисми аниқлашини таъминлайдиган, белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган ўз синов лабораториясининг (маркази) мавжудлиги;

баҳоланаётган объект мажбурий кўрсаткичларининг стишкаётган қисми аниқлашини таъминловчи аккредитациядан ўтказилган бошқа синов лабораториялари (марказлари) билан ҳамкорлик тўғрисидаги битимларнинг мавжудлиги;

б) юкларни ортишдан олдин ва/ёки тушириш вактидаги инспекцияни ўтказиш бўйича инспекция орган сифатида аккредитациянинг ариза берилган соҳасида, маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш учун тегишли техника воситалари ва асбоб ускуналар ёки лабораториянинг мавжудлиги;

в) хизматлар, менежмент тизимлари, ходимларни сертификатлаш органининг баҳоланаётган тарафдан мустакиллиги;

г) синов, калибрлаш ва тиббиёт лабораториялари (марказлар), метрологик хизматлар сифатида:

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида норматив хужжатлар талабларига мувофиқ бўлган ишлаб чиқариш бинолари ва атроф – мухит шароитларининг мавжудлиги;

аккредитациянинг ариза берилган соҳасига мувофиқ синовлар ва/ёки ўлчовлар ўтказилишини таъминлайдиган синов, ўлчов воситалари, стандарт намуналар ва синаш асбоб-ускуналарининг мавжудлиги.

5. Маҳсулотлар, хизматлар, менежмент тизимлари, ходимлар сертификатлаш органи, сертификатлаш бўйича инспекция органи раҳбари сифат бўйича эксперт-аудитор сифатида аттестациядан ўтказилган бўлиши керак.

Бунда эксперт-аудитор факат битта мувофиқликни баҳолаш органига раҳбарлик қилиши мумкин.

6. Аkkредитациядан ўтказилган синов, калибрлаш, тиббиёт лабораториялари (марказлари) ва метрологик хизматлар, амалдаги аккредитация доирасига мувофиқ ўзи қўйлаётган синов ва ўлчов воситаларидан, стандарт намуналардан ва синаш асбоб-ускуналаридан фойдаланиш ва/ёки уларни қўйлаш ҳуқукларининг, аккредитациядан ўғишга талабгор бўлган ариза берувчилар

фойдасига берилишига йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва/ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган холлар бундан мустасно.

### **3-боб. Аккредитация ўтказиш тартиби**

7. Ариза берувчиларни аккредитациядан ўтказиш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Ариза берувчи Марказ томонидан белгиланган шакл бўйича Марказга ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган хужжатлар ва маълумотларни илова қилган ҳолда, ёзма ёки электрон шаклда аккредитация қилишига буюртма (кейинги ўринларда буюртма деб аталади) беради.

8. Ариза берувчилар буюртмага қўйидаги хужжатларни ва маълумотларни илова қиласди:

аккредитация қилиниши сўралаётган аккредитация соҳасини аникловчи мувофиқликни баҳолаш обьектлари ёки синов усуслари (методикалари) ва/ёки ўлчаш турларининг рўйхати;

сифат бўйича кўланмана ва сифат менежменти тизими тартиб-тамоил хужжатлари;

маҳсулот, хизматлар, менежмент тизимлари, ходимларни сертификатлаш органлари ва инспекция органи учун қўшимча равишда - ходимлар ва сифат бўйича эксперт-аудиторлар тўғрисидаги маълумотлар. Сертификатлашни (инспекцияни) ўтказиш тартиби тўғрисидаги хужжат ва инспекция органи томонидан кўлланиладиган (зарур ҳолларда) техника воситалари ва асбоб ускуналар тўғрисидаги хужжат;

синов, калибирлаш ва тиббиёт лабораториялари (марказлари), метрология хизматлари учун қўшимча равишда - лаборатория, ходимлар ва улар томонидан кўлланиладиган синов, ўлчов воситалари ҳамда синов ускунаси тўғрисидаги маълумотлар.

9. Ариза берувчидан ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилмаган хужжатлар ва маълумотлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Ариза берувчи ўз ихтиёрига кўра, аккредитация обьектига алокадор қўшимча хужжатлар ва маълумотларни тақдим қилишиб мумкин.

10. Марказ, тақдим этилган хужжатлар ва маълумотларни тўликлиги юзасидаи буюртмани ўрганиади. Буюртмани ўрганиш ижобий натижада берса, у рўйхатдан ўтказилади ва икки иш кунидан кечикмай аккредитация хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома (кейинги ўринларда шартнома деб аталади) тайёрланади ва ариза берувчига юборилади.

Ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган барча хужжатлар ва маълумотлар тақдим этилмаган тақдирда, Марказ бир иш кунидан кечикмай ариза берувчига хужжатларни пухта ишлаб чиқиш учун қайтариш ҳақида хабар қиласди.

11. Ариза берувчи томонидан тўлов тўлангач, Марказ тақдим этилган аккредитация обьекти хужжатларини экспертизадан ўтказади. Экспертиза натижалари бўйича камчиликлар аникланган тақдирда, уларни бартараф этиш учун Марказ жойида баҳолаш ўтказишга қадар бу ҳақда аккредитация обьектини хабардор қиласди. Экспертизадан ўтказиш муддати ўн беш иш кунидан ошмаслиги керак.

Аkkредитация обьекти аникланган камчиликлар түғрисида хабарни кабул килгандан сүні жойнині үзіда баҳолашни ўтказиш учун шартнома имзолашни ва кейинги аккредитация жараёни ўтказишни рад этиш хукуқига өга ва бу ҳақда Марказни ёзма хабардор килади.

12. Тактим этилган хужжаттарни экспертизадан ўтказиш туталланганидан сүнг ва аккредитация обьекти жойнинг үзіда баҳолашни ўтказиш учун түлов түлангач. Марказ уч иш куни давомида миллий ва ёки халқаро баҳоловчилар ва техник экспертерлардан иборат баҳолаш гурухини шакиллантиради.

13. Баҳолаш гурухи таркиби ва баҳолаш ўтказиладиган сана аккредитация обьектининг асосланган таслифларини инобатта олган ҳолда, у билан келишиб олинади.

Баҳолаш гурухи раҳбари ва таркиби Марказ раҳбарининг ёки у томонидан ваколат берилгап шахснинг буйруги билан тайинланади.

14. Аkkредитация обьектининг аккредитация талаблари ва шартларига мувофиқларни, техник жиһатдан гарәбига солини соҳасидаги норматив хужжаттар талабларига мувофиқларни ва аккредитация обьекти сўралган функцияларни бажара олиш кобилятини баҳолаш баҳолаш гурухининг асосий вазифалари ҳисобланади.

15. Аkkредитация обьектини жойнинг үзіда баҳолаш муддатлари унинг фаолияти хусусиятларини, шунингдек, уларни ихтисослаштирилган (лаборатория, ташхис, метрология, методологик, ишлаб чиқариш ва технологик) баҳолаш заруратини ҳисобга олган ҳолда Марказ томонидан аникланади. Бунда аккредитация обьектини баҳолаш муддати ўн иш кунидан описмаслиги керак.

16. Баҳолаш тасдикланган режага мувофиқ ўтказилади. Баҳолаш режаси Марказ раҳбари ёки у томонидан ваколат берилгап шахс томонидан тасдикланади. Буйрук ва баҳолаш режаси аккредитация обьектига жойнині үзіда баҳолаш ўтказишга қадар танишиш учун тақтим этилади.

17. Баҳолаш гурухи аккредитация обьектинин аккредитация соҳасига киритилган ҳар бир сўралган фаолият йўналишини баҳолайди.

Аkkредитация обьекти жойнинг үзіда баҳолаш ўтказиш учун шартшароитлар, шу жумладан баҳолаш гурухига зарур маълумот, ёзувлар ва хужжатлардан (шу жумладан, ички аудит натижаларидан) фойлашаниш, биноларга кириш ҳамда ходимлар малакасини баҳолаш имкониятини яратади.

Ходимлар малакасини баҳолаш уларининг шахсий карталарини ўрганган ҳолда сўралган соҳадаги малакаси, тайёргарлиги, маълумотини, мувофиқликни баҳолаш бўйича кўникмаларини намойини қилишини кузатиш ва сухбатдан ўтказиш орқали амалга ошириллади.

Баҳолаш гурухи лабораториялараро қиёсий синовлар натижаларини ва ўлчов воситаларини калибрлаш ҳамда таққослаш текширув натижалари, шунингдек, сўралган соҳаларда назорат синовлари ўтказилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Таркибига аккредитация обьекти кирадиган юридик шахсда сифат менежментининг сертификатланган тизимини мавжудлиги аккредитация оюъекти учун бу борадаги аккредитация талаблари ва шартлари бажариланинг тасдиги бўла олмайди.

18. Жойнинг ўзида баҳоланің үтказиш учун шарт-шароит яратиб берилмаган ҳолатда, баҳолаш гурухи раҳбари Марказга тегишли рапорт тақдим этиши шарт, Марказ унинг асосида баҳолаш ишларини бир ойдан ошмайдиган муддатта тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилилади.

Аkkредитация обьекти кўrsатилган муддатда жойнинг ўзида баҳолаш үтказиш учун шарт-шароит яратиб бермаса, аккредитация қилишга берилган буюртма бекор қилинади.

19. Баҳолаш якунлари бўйича баҳолаш гурухининг баҳолаш давомида аниқланган номувофиқликларни (улар мавжуд бўлганда) ўз ичига олган ҳисоботи (кейинги ўринларда ҳисобот деб аталади) тузилади.

Ҳисобот баҳоланің гурухи аъзолари, шунингдек, ўзининг алоҳида фикрини (зарурат бўлганда) ифодалашга ҳақси бўлган аккредитация обьектиининг ваколатли вакили томонидан имзоланади.

Ҳисобот икки нусхада тузилади, унинг бир нусхаси аккредитация обьектиининг ваколатли вакилинга берилади.

20. Баҳолаш гурухи ижобий ҳисобот расмийлаштирган тақдирда (номувофиқлик мавжуд бўлмагандан), уч иш куни мобайнида ҳисоботни Аkkредитация комиссиясининг тегишли қарорини қабул қилиш учун Марказга тақдим этади.

21. Баҳолаш вактида номувофиқликлар бартараф этилмаса (шу жумладан, ҳужжатларни экспертизадан үтказиши натижасида аниқланган номувофиқликлар), аккредитация обьекти номувофиқликларни бартараф этишига доир ҳаракатлар режасини ишлаб чиқади ва Марказга тақдим этади. Бунда номувофиқликларни бартараф этиш муддати баҳолаш бўйича ҳисобот расмийлаштирилган санадан бошлаб икки ойдан ошмаслиги керак.

Аkkредитация обьекти асосланган сабабларни ёзма равишда Марказга тақдим этган тақдирда, номувофиқликларни бартараф этиш муддати Марказ томонидан бир маротаба бир ойдан кўп бўлмаган муддатга суримиши мумкин.

22. Аkkредитация обьекти томонидан ҳаракатлар режасини бажариш тўғрисидаги маълумотлар ва номувофиқликлар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар белгиланган муддатда тақдим этилмаса, баҳолаш гурухи раҳбари ҳисоботни илова қилган ҳолда, аккредитация бўйича ишларни тугатиш тўғрисида Марказга рапорт тақдим этиши шарт.

23. Марказ ҳаракатлар режасини бажариш тўғрисидаги маълумот ва номувофиқликлар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни қабул қилган санадан бошлаб, беш иш куни мобайнида аккредитация обьекти томонидан номувофиқликлар амалда бартараф этилганлиги ҳолатини, зарур бўлса, жойнинг ўзига борган холда ўрганиш учун буйруқ билан баҳолаш гурухига ваколат беради.

Баҳоланің гурухи беш иш куни мобайнида қабул қилинган ҳаракатларни кўриб чиқиши таъминлайди. Агар тақдим этилган маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатлар номувофиқликларни бартараф этиш учун етарли бўлмаса, баҳолаш гурухи кўшимча маълумот сўрашга ҳақли.

Номувофиқликларнинг амалда бартараф этилганлик ҳолатини ўрганиш муддати ҳаракатлар режасини бажариш тўғрисидаги маълумот ва номувофиқликлар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган санадан бошлаб ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

24. Бахолаш гурухи, номувофиқликларнинг амалда бартараф этилганлик ҳолатини ўрганиш натижалари бўйича якуний хисоботни расмийлаштиради ва уч иши куни мобайнида Марказга тақдим этади.

25. Марказ, хисоботни қабул қилган санадан бошлаб, беш иш куни мобайнида аккредитация комиссияси мажлисида унинг кўриб чиқилишини таъминлайди. Аккредитация комиссияси таркиби Марказ директорининг буйруги билан тасдиқланади.

26. Куйидагилар Аккредитацияни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун асос хисобланади:

аккредитация обьекти у баҳоланаётгандан зарур маълумотларни тақдим этишни рад этиши;

аккредитация обьекти томонидан кўрсатилган маълумотларда ишончсиз ёки ёлгои маълумот мавжудлиги;

аккредитация обьектининг аккредитация талаблари ва шартларига номувофиқлиги;

аниқланган номувофиқликларни белгиланган мулдатларда бартараф этмаслиқ.

Аккредитацияни рад этиш тўғрисида бошқа асослар, шу жумладан мақсадга мувофиқсизлик сабаблари бўйича қарор қабул қилишга йўл кўйилмайди.

27. Аккредитация комиссияси томонидан ижобий қарор қабул қилинса, Марказ ва аккредитация обьекти ўртасида аккредитациядан кейинги шартнома тузилади ҳамда уч иш куни мобайнида аккредитация тўғрисида гувоҳнома берилади.

Аккредитациядан кейинги шартномада қуйидагилар акс этади:

Марказ ва аккредитация обьекти ўртасидаги ўзаро муносабатлар, шу жумладан томонларнинг хуқуqlари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги;

аккредитация белгисини қўллаш шартлари ва давлат реестри ракамидан фойдаланиш;

инспекция назоратини ўтказиш даврийлиги.

28. Учинчи томон хисобланган синов, калибрлаш ва тиббий лабораторияга (марказга), метрологик хизматга, техник жиҳатдан ваколат ва мустакиллик юзасидан аккредитация тўғрисида гувоҳнома берилади.

Биринчи ёки иккинчи томон хисобланган синов, калибрлаш ва тиббий лабораторияга (марказга), метрологик хизматга техник жиҳатдан ваколат юзасидан аккредитация тўғрисида гувоҳнома берилади.

29. Марказ ўзининг расмий веб-сайтида аккредитациядан ўтказилган мувофиқликни баҳолаш органлари, метрология хизматлари давлат реестрини (кейинги ўринларда Давлат реестрлари деб аталади), шунингдек, баҳоловчилар ва техник экспертлар реестрини юритади.

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома мувофиқликни баҳолаш органларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилади.

Давлат реестрлари танишиш учун очик хисобланади.

30. Аккредитация тўғрисидаги гувохнома бланкалари катъий ҳисобот юритиладиган бланкалар ҳисобланади, уларни рўйхатга олиш ва сақлаш тартиби қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

31. Аккредитация тўғрисидаги гувохнома беш йил муддатга берилади.

32. Аккредитация комиссияси салбий қарор қабул килганда, Марказ аккредитацияни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб, уч иш куни мобайнида аккредитация обьектига ёзма шаклда хабарнома юборади.

33. Аккредитация обьекти аккредитация комиссиясининг аккредитациядан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан Марказ хузуридаги аппеляция комиссиясига ёки суд тартибда шикоят килиш ҳукукига эга.

34. Қуйидаги ҳолларда аккредитация обьекти такрорий аккредитацияга буюртманома тақдим этиши керак:

аккредитация тўғрисидаги гувохноманинг амал қилиш муддати тугашидан камида уч ой олдин;

аккредитация обьектининг ваколатини баҳолашга қўйиладиган талабларни тартибга солувчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги янги ёки янгидан қабул қилинган норматив ҳужжат амалга киритилган вакдан бошлаб уч ойдан кўп бўлмаган муддатда.

Такрорий аккредитация ушбу Низомнинг 3-бобида белгиланган тартибда ўтказилади.

35. Марказ аввал берилган аккредитация тўғрисидаги гувохноманинг амал қилиш муддатини тегишли қарор қабул қилинадиган санагача узайтириши мумкин, бунда узайтириш муддати ушбу Низом 34-банди талабларига риоя қилган ҳолда, уч ойдан ошмаслиги керак.

#### **4-боб. Аккредитация соҳасини кенгайтириш ва қисқартириш**

36. Аккредитация соҳасини кенгайтириш ишлари аккредитация обьекти аризаси бўйича ушбу Низомнинг 7-25, 32 ва 33-бандларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

37. Аккредитация обьектининг аккредитация соҳасини қисқартириш аккредитация комиссиясининг қарори билан қўйидагилар асосида амалга оширилади:

аккредитация соҳасини қисқартириш тўғрисида аккредитация обьектининг аризаси;

аккредитация обьекти фаолиятининг инспекция назорати натижаларига кўра.

38. Аккредитация соҳаси қисқартирилса, Марказ томонидан аккредитация обьектининг аккредитация соҳасига тегишли ўзгартишилар киритилади.

Аккредитация соҳасини қисқартириш учун ҳақ олинмайди.

#### **5-боб. Инспекция назорати**

39. Инспекция назорати аккредитациядан кейинги шартнома асосида ушбу Низомга 2-иловада келтирилган схемага мувофик жойнинг ўзига бориб амалга оширилади.

Биринчи инспекция назорати аккредитация санасидан кейин ўн икки ойдан кечикмай ўтказилади. Кейинги инспекция назорати хар йили Марказ раҳбари томонидан тасдиқланалиган инспекция назорати режа-жадвалига мувофик даврий, бирок аввалги инспекция назорати ўтказилган вактдан бошлаб йигирма гўрт ойдан кечикмай (маҳсулотни сертификатлаш органлари учун – ўн икки ойдан кечикмай) ўтказилади.

40. Йигирма тўрт ой даврийлик муддати қўйидаги шартлар бажарилса белгиланади:

жойнинг ўзида аввалги баҳолаш ўтказилганда номувофиқликлар бўлмаган бўлса;

аккредитация объекти фаолияти бўйича шикоятлар бўлмаган бўлса;

аккредитация объекти фаолияти бўйича ўтказилган мониторинг ижобий натижалар берган бўлса.

41. Аккредитация объекти фаолияти бўйича режадан ташқари инспекция назорати аккредитация талаблари ва шартлари, шу жумладан аккредитация белгисидан фойдаланиш бузилганилиги тўғрисида хужжатлар билан тасдиқланган ёзма мурожаат Марказга тушган тақдирда ўтказилади.

42. Инспекция назоратини ўтказиши тартиби ушбу Низомнинг 13-17, 19-бандларига мувофик амалга оширилади.

Инспекция назорати давомида Марказ мувофиқликни баҳолаш органлари ва метрология хизматлари томонидан аккредитация белгисини ва/ёки аккредитацияга матнли ҳаволалар қўлланилишининг тўғрилигини хам ўрганади. Мувофиқликни баҳолаш органлари ва метрология хизматлари томонидан аккредитация белгисини қўллаш қоидалари Марказ томонидан ISO/IEC 17011 халқаро стандарти талабларига мувофик белгиланади.

43. Баҳолаш гурухи уч иш куни мобайнода Марказга ўтказилган инспекция назорати тўғрисида ҳисботот тақдим этиши керак.

44. Марказ ўтказилган инспекция назорати тўғрисидаги ҳисботни қабул қилгандан кейин беш иш куни мобайнода унинг аккредитация комиссияси мажлисида кўриб чиқилишини таъминлатди.

Аkkreditatsiya komissiyasi:

аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тасдиқлани;

аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш;

аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш;

комиссия аъзоларининг катта қисми баҳолаш гурухи ҳисботига қўшилмаган тақдирда, аккредитация объекти аккредитация талаблари ва шартларига мувофиқлигини хақ олмасдан қўшимча баҳолашни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Аkkreditatsiya komissiyasining қарори у қабул қилингандан кейин аккредитация объектига бир иш кунидан кечикмай етказилади.

45. Akkreditatsiya tўғrisidagi guvohnomamining amal қилишини tўxhatib туриш (тикаш) ёки тугатиш ушбу Nizomning 6-7-boblariida belgilangan taribiда амалга оширилади.

46. Аккредитация комиссиясининг аккредитация тұғрисидаги гувохноманинг амал қилишини тұхтатиб туриш ёки тутатып тұғрисидаги қарори юзасидан Марказ құзуридан аппеляция комиссиясига ёки суд тартибида шикоят қилиш мүмкін.

#### **6-боб. Аккредитация тұғрисидаги гувохноманинг амал қилишини тұхтатиб туриш (тиклаш)**

47. Аккредитация тұғрисидаги гувохноманинг амал қилиши қуйилдаги ҳолларда тұхтатиб турилиши мүмкін:

Аккредитация объекті аккредитация тұғрисидаги гувохноманинг амал қилишини тұхтатиб туриш тұғрисида ариза билан мурожаат күлганида:

аккредитация талаблари ва шартлары бузилиши аниқланғанда;

аккредитация объекті томонидан аккредитациядан кейинги шартнома коидаларига риоя этилмаганда.

48. Аккредитация тұғрисидаги гувохноманинг амал қилишини тұхтатиб туриш ушбу Низом 47-бандыннан учинчи ва тұрттынчы хатбошиларда назарда тутилған ҳолларда Марказ томонидан аккредитация комиссияси қарорига күра, учойдан ошмайдында муддатда амалга оширилади.

Аккредитация тұғрисидаги гувохноманинг амал қилишини тұхтатиб туриш ушбу Низом 47-бандыннан иккінчи хатбошида назарда тутилған ҳолда Марказ томонидан амалға оширилади.

Аккредитация тұғрисидаги гувохноманинг амал қилишини тұхтатиб туриш тұғрисидаги маълумот қарор қабул қылғандаң күндан бойшаб бир иш күнідан кечикмай, Марказнинг веб-сайтида жойланыптырылади ва аккредитация объектига ёзма равишда хабар юборилади.

Аккредитация тұғрисидаги гувохноманинг амал қилиши аккредитация комиссиясининг қабул қылған қарори тұғрисида маълумот Марказнинг веб-сайтида жойланыптырылған санадан бошшаб тұхтатиб турилади.

Аккредитация объекті аккредитация тұғрисидаги гувохноманинг амал қилиши тиқланғунга қадар мувофиқликни баҳолаш фаолиятini тұхтатиб туриши шарт.

49. Аккредитация объекті номувофиқликтарни бартараф этиш бүйіча харакаттар режасини ишлаб чықади ва Марказға тақдим этади. Бунда номувофиқликтарни бартараф этиш муддати аккредитация комиссиясининг қарорига асосан Марказ томонидан белгіланған муддатдан ошмаслығы керак.

50. Аккредитация объекті томонидан харакаттар режасини бажариш тұғрисидаги маълумот ва номувофиқликтар бартараф этилғанлыгини тасдиқловчи хужжаттар белгіланған муддатда тақдим этилмаса, баҳолаш гурухи раҳбари Марказға аккредитация тұғрисидаги гувохномани амал қилишини тутатыш көраклиги тұғрисида рапорт тақдим этади.

51. Номувофиқликтарни бартараф этилғанлығы ҳолатларини ўрганиш, ушбу Низомнинг 23 ва 24-бандларига мувофиқ амалға оширилади.

52. Марказ баҳолаш гурухи томонидан якуний хисобот тақдим этилганидан сүнг беш иш күни мобайнида тегишли қарор қабул қылыш учун аккредитация комиссиясининг мажлисінде унинг күриб чиқилишини таъминлайды.

53. Аккредитация комиссиясининг қарори у қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кундан кечикмай Марказ томонидан аккредитация обьектига етказилади.

54. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклаш тўғрисидаги маълумотлар аккредитация соҳасидаги тегишли Давлат реестрларига киритилиши ва Марказнинг веб-сайтида жойлаштирилиши лозим.

### **7-боб. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш**

55. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши қўйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

аккредитация обьекти аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қиласа;

юридик шахс (аккредитация обьекти) тугатилса;

аккредитация обьекти томонидан гувоҳнома амал қилишининг тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатлар Марказ томонидан белгиланган муддатда баргароф этилмаса;

аккредитация соҳаси бузилса;

гувоҳнома соҳта хужжатлар ва маълумотлардан фойдаланган ҳолда олингандиги аниқланган бўлса.

56. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши аккредитация комиссиясининг қарорига кўра Марказ томонидан тугатилади.

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги маълумот қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунидан кечикмай Марказнинг веб-сайтида жойлаштирилади ва аккредитация обьектига ёзма равища хабар юборилади.

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳномасинг амал қилиши аккредитация комиссиясининг қабул килган қарори тўғрисида маълумот Марказнинг веб-сайтида жойлаштирилган санадан бошлаб тугатилади.

55-банднинг тўртинчи-олтинчи хатбошиларига мувофик аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугутилгандан кейин аккредитация учун такрорий ариза камида олти ойдан кейин берилиши мумкин.

57. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги маълумотлар аккредитация соҳасидаги тегишли Давлат реестрларига киритилиши лозим.

### **8-боб. Аккредитация белгисидан фойдаланиш мониторингини амалга ошириш**

58. Аккредитация белгисидан фойдаланиш мониторинги мувофиқликни баҳолаш органлари ва метрологик хизматлар томонидан аккредитация белгисидан фойдаланиш қоидаларига (аккредитацияга матили ҳаволалар) риоя қилишининг ҳолатини ўрганиш мақсадида аккредитациядан кейинги шартнома асосида амалга оширилади.

### Мониторинг:

Марказ томонидан мувофиқликни баҳолаш органлари ва метрология хизматларидан вакти-вакти билан сўраладиган аккредитация қилинган соҳада уларниң фаолияти тўғрисидаги ахборот;

истеъмолчиларнинг мувофиқликни баҳолаш органлари ва метрология хизматлари сифатидан қониқиши тўғрисидаги сўров натижаларини истеъмолчилар билан кайта алоқа орқали;

Марказнинг сўрови бўйича назорат органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

59. Мониторинг натижалари бўйича Марказ уч иш куни мобайнида мувофиқликни баҳолаш органи ва метрология хизматини улар томонидан тегишили чора-тадбирлар кўриш учун мониторинг натижалари тўғрисида хабардор килади.

Бунда мониторинг натижалари бўйича Марказ томонидан мувофиқликни баҳолаш органи ва метрология хизмати органига нисбатан бирон-бир чора кўрилишига йўл кўйилмайди.

Мониторинг натижаларидан инспекция назорати давомида фойдаланилиши мумкин.

### **9-боб. Аккредитация соҳасидаги Марказ хизматларига ҳақ тўлаш тартиби**

60. Марказ томонидан аккредитация соҳасидаги куйидаги хизматлар учун ҳақ ундирилади:

хужжатлар экспертизаси учун;

аккредитация объектини баҳолаш учун;

тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ ўтказилган аккредитация объектининг инспекция назорати учун;

аккредитация соҳасини долзарблаштириш учун.

Аккредитация объектлари томонидан аккредитация соҳасидаги Марказ хизматларига ҳақ тўлаш уларниң натижаларидан катъи назар амалга оширилади.

61. Марказ томонидан аккредитация соҳасидаги куйидаги хизмат турлари бўйича ҳақ ундирилмайди:

ариза кўриб чиқиш;

олдин берилган (амалдаги) аккредитация тўғрисидаги гувохномани кайта расмийлаштириш;

аккредитация тўғрисидаги гувохноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш (тиклаш) ёки тутатиш;

аккредитация соҳасини кисқартириш;

аккредитация обьекти фаолиятининг режадан ташқари инспекция назоратини амалга ошириш;

ушбу Низомниң 69-банди учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган материаллар долзарблаштирилганлиги учун.

62. Ушбу Низомда назарда тутилган хизматлар учун тўловлар Марказнинг сарфланган вактидан келиб чиқсан холда белгиланади.

Сарфланган вактни хисоблаб чиқиши методикаси Марказ томонидан белгиланади ва унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

63. Мувофиқликни баҳолаш органилари ва метрология хизматлари томонидан аккредитация белгиси кўлланини учун конун хужжатларида белгиланган мөндори ҳақ ундирилади.

### **10-боб. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани қайта расмийлаштириш**

64. Аккредитация обьекти қайта ташкил этилса, номи, юридик манзили ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарса, йигирма иш куни мобайнинг мазкур ўзгартишлар ҳақида олдин берилган (амалдаги) аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхасини илова қилиб, уни қайта расмийлаштириш учун Марказни ёзма равишда хабардор килиши керак.

65. Агар аккредитация обьекти илгари аккредитациядан ўтказилган аккредитация обьектининг хуқуқий вориси бўлмаса, хужжатларни кўриб чиқиши билан боғлиқ кейинги тартиб-таомиллар ушбу Низомнинг З-бобида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

66. Аккредитациядан ўтган маҳсулотлар, хизматлар, менежмент тизимлари, ходимларни сертификатлаш органи ва инспекция органининг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарса, янги аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома аккредитация ўтказилмай, амалдаги аккредитация муддатига расмийлаштирилади.

67. Синов, калибрлаш ва тиббий лаборатория (марказ) ёки метрология хизмати жойлашган жой ўзгарса, ушбу Низомнинг З-бобида назарда тутилган тартибда улар такрорий аккредитациядан ўтказилади.

68. Янги аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома Марказ томонидан уч иш куни мобайнинг манзили расмийлаштирилади.

### **11-боб. Аккредитация обьекти материалларини долзарблаштириш**

69. Аккредитация обьекти материаллари куйидаги холларда долзарблаштирилади:

аккредитация обьектининг аккредитация соҳасида кўрсатилган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар ўрнига янгиси амалга киритилса. уларга ўзгартишлар, кўшимчалар киритилса (бундан кабул килинаётган норматив хужжатда маҳсулотларининг янги турлари, синов (ўлчов) усувлари кўрсатилган холлар мустасно);

сифат бўйича кўлланмага ва сифат менежменти тизими тартиб-тъмоил хужжатларига ўзгартишлар киритилса;

аккредитация обьектининг ходимлари таркиби ўзгарса.

70. Аккредитация материаллари долзарблаштирилса, аккредитация обьектлари бунинг сабабларини кўрсатган холда, ўзгартишлар киритилган хужжатларни, шунингдек, киритилаётган ўзгартишлар юзасидан қиёсий таҳлилни илова қилиб Марказга ариза тақдим этади.

71. Марказ ўн беш иш куни мобайнида тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва аввал тасдиқланган ҳужжатларга тегишили ўзгартиришлар киритади. Ушбу Низомининг 69-банди иккинчи хатбошига мувофиқ материаллар долзарблаштирилган тақдирда, аккредитация объектнинг аккредитация соҳаси янги таҳрирда тасдиқланади.

## 12-боб. Аппеляцияларни кўриб чиқиш

72. Аккредитация ёки инспекция назорати натижалари бўйича аккредитация комиссиясининг салбий қарори чиқарилган аккредитация объекти аккредитация комиссиясининг қарори кабул қилинган санадан бошлаб ўн календарь куни мобайнида Марказга ёзма шаклда апелляция бериш ҳуқуқига эга.

Аккредитация объекти аккредитация ёки инспекция назорати натижалари бўйича аккредитация комиссиясининг унга нисбатан салбий қарори чиқарилса, аккредитация комиссиясининг қарори кабул қилинган санадан бошлаб ўн календарь куни мобайнида Марказга ёзма шаклда апелляция бериш ҳуқуқига эга.

Апелляция комиссиясининг қарори кабул қилинган санадан бошлаб ўн календарь кундан ортиқ муддатда берилган апелляциялар кўриб чиқилмайди.

73. Апелляция комиссияси ҳар бир апелляцияни кўриб чиқиш учун заруратга кўра шакиллантирилади. Апелляция комиссияси таркиби Марказ директорининг буйруғи билан тасдиқланади. Апелляция комиссияси таркибини шакиллантириш ва тасдиқлаш муддатлари апелляция олинган кундан бошлаб уч кундан ортиқ бўлмаслиги керак.

74. Апелляция комиссиясининг таркиби, баҳоловчилар, жалб қилинадиган техник эксперталар, шу жумладан ҳалқаро эксперталар орасидан апелляция берган аккредитация объектини баҳолашда иштирок этмаган ва аккредитация комиссияси таркибида бўлмаган Марказнинг камидаги уч вакилидан шакиллантирилади.

75. Марказ апелляция берган аккредитация объектини ва баҳолашни ўтказган гурух раҳбарини апелляция кўриб чиқиладиган сана ҳакида хабардор килади. Апелляция берган аккредитация объекти вакили ва гурух раҳбари апелляцияни кўриб чиқишида иштирок этишлари мумкин.

76. Апелляция комиссияси берилган апелляцияни кўриб чиқади ва кабул қилинган қарор тўғрисида аккредитация объектига ёзма равишда маълум қилади. Апелляцияни кўриб чиқиш муттади у берилган санадан бошлаб ўн календарь кундан ошмаслиги керак.

77. Кўриб чиқилган апелляция натижалари бўйича апелляция комиссияси кўйидаги қарорлардан бирини кабул қилади:

аккредитация комиссиясининг қарорини ўзгаришсиз колдириш ва апелляцияни қаноатлантириши рад этиш;

апелляцияни қаноатлантириш.

78. Аккредитация комиссиясининг қарорини ўзгаришсиз колдириш ва апелляцияни қаноатлантириши рад этиш тўғрисидаги қарор агар:

апелляция ушбу Низом талаблари бузилган ҳолда тақдим этилган бўлса;

апелляцияда келтирилган сабаблар тасдиқланмаса кабул қилинади.

79. Апелляцияни канаатлантириш түгрисидаги қарор қабул қилинса, Марказ томонидан аккредитация түгрисидаги гувохномани бериш ёки аккредитация түгрисидаги гувохноманинг амал килишини тасдиклаш хакида қарор қабул қилинади.

80. Марказ икки иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинган қарор түгрисидаги хабариомани апелляция берган аккредитация обьектига ёзма шаклда юборади.

81. Айнан бир масала бўйича апелляцияни такроран беришга йўл қўйилмайди.

82. Апелляция комиссиясининг қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикояти қилиш мумкин.

### **13-боб. Яқунловчи қоида**

83. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофик жавоб берадилар.

Мувофиқликни баҳолаш органларини  
аккредитациядан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-илова

Аkkreditatsiyani ўtказиш схемаси

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	<p>Аkkreditatsiya олиш учун зарур бўлган тегишли хужжатларни таёrlайди.</p> <p>Аkkreditatsiya марказига бевосита, олинганилиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали ёки электрон шаклда зарур хужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани тақдим этади.</p>	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
2-босқич	Аkkreditatsiya маркази	<p>1. Тақдим этилган хужжатлар ва маълумотларнинг тўлиқлиги юзасидан буюртманомани ўрганади:</p> <p>а) ижобий натижада бўлганда аккредитация бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тайёрланади;</p> <p>б) хужжатлар тўлиқ бўлмаган тақдирда – хужжатларни қайтаради.</p> <p>2. Марказ хизматларига ҳақ тўлангандан кейин тақдим этилган хужжатларни экспертизадан ўтказади.</p> <p>3. Экспертиза натижалари бўйича камчиликлар аниқланган тақдирда, жойнинг ўзида баҳолаш ўтказишдан аввал марказ бу ҳақда аккредитация обьектини уларни бартараф этиш учун хабардор қиласи.</p> <p>4. Тақдим этилган хужжатларни экспертизадан ўтказиш тугаллангандан кейин баҳоловчи гуруҳни тузади.</p> <p>5. Жойнинг ўзида баҳолаш учун шартшароитлар таъминланмаган тақдирда, Марказ баҳолаш ишини тўхтатиб туради.</p>	<p>а) 2 иш куни мобайнида</p> <p>б) 1 иш куни мобайнида</p> <p>2. 15 иш куни мобайнида</p> <p>3. 3 иш куни мобайнида</p> <p>4-5. Бир ойгача (аккредитация обьекти тайёрлиги натижалари бўйича)</p>
	Баҳолаш гурухи	<p>6. Жойнинг ўзида баҳолайди ва натижалар бўйича баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни расмийлаштиради.</p> <p>7. Ижобий ҳисобот расмийлаштирилган тақдирда у аккредитация комиссиясининг мажлисида кўриб чиқиш учун Марказга берилади.</p>	<p>10 иш куни мобайнида</p> <p>3 иш куни мобайнида</p>

			1. Икки ой мобайнида (аккредитация объектиning хошишига кўра)
3-босқич*	Аkkредитация объекти	1. Баҳолаш гурухи томонидан баҳолаш тўғрисидаги хисботни расмийлаштиришда аккредитация объектиning белгиланган талабларга номувофиқлиги тўғрисидаги хулоса берилса, номувофиқликни бартараф этиш ва уни бажариш тўғрисидаги хисбот бўйича харакатлар режасини ишлаб чикади ва Марказга тақдим этади.	
	Аkkредитация маркази	2. Ҳаракатлар режаси бажарилганлиги тўғрисидаги ахборот ва номувофиқликларни бартараф этиш бўйича тасдиқловчи хужжатлар олинган пайтдан бошлаб баҳолаш гурухига аккредитация объекти томонидан номувофиқликлар бартараф этилиши ҳолатини ўрганиш учун ваколат беради.	2. 5 иш куни мобайнида
	Баҳолаш гурухи	3. Амалга оширилган ҳаракатларнинг натижаларини ўрганишни таъминлайди. 4. Ўрганиш натижалари бўйича баҳолаш тўғрисидаги якуний хисботни расмийлаштиради ва уни аккредитация комиссиясининг мажлисида кўриб чиқиш учун Марказга тақдим этади.	3. 5 иш куни мобайнида 4. 3 иш куни мобайнида
4-босқич	Аkkредитация маркази	1. Аkkредитация комиссиясининг мажлисида баҳолаш натижалари кўриб чиқилишини таъминлайди. 2. Аkkредитация комиссияси томонидан ижобий қарор қабул қилинган тақдирда Марказ билан аккредитация объекти ўртасида аккредитациядан кейинги шартнома тузилади ва аккредитация тўғрисида гувоҳнома берилади. 3. Аkkредитация комиссияси томонидан салбий қарор қабул қилинган тақдирда аккредитация объектига аккредитация килиш рад этилганлиги тўғрисида ёзма билдиришнома юборилади.	1. 5 иш куни мобайнида 2-3. 3 иш куни мобайнида

\*) 3-босқич белгиланган талабларга номувофиқлик аникланганда ва номувофиқликларни бартараф этиш учун муддат берилиши тўғрисида қарор қабул қилинганда бажарилади.

Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Инспекция назоратини ўтказиш  
схемаси**

Босқич- лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1- босқич	Аkkредитация маркзи	Инспекция назоратини ўтказишнинг режа-жадвали асосида: баҳолаш гурӯҳи тарқибини ва инспекция назоратини ўтказиш муддатларини кўрсатган ҳолда буйруқ тузади; инспекция назоратини ўтказиш режасини тасдиқлайди.	Режа-жадвалга мувофик
2-босқич	Баҳолаш гурӯҳи	1. Жойнинг ўзида баҳолайди ва натижалар бўйича баҳолаш тўғрисидаги ҳисботни расмийлаштиради. 2. Ҳисботни аккредитация комиссияси мажлисида кўриб чиқиш учун Марказга беради.	10 иш куни мобайнида  3 иш куни мобайнида
3-босқич	Аkkредитация маркази	1. Тегишли қарор қабул килиш учун баҳолаш натижалари аккредитация комиссиясининг мажлисида кўриб чикилишини тъминлайди. 2. Аkkредитация комиссиясининг қарори аккредитация объектига етказилади.	5 иш куни мобайнида  1 иш куни мобайнида

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил “24” апрелдаги 349-сон қарорига  
2-илтова

**“Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги хузуридаги “Аkkредитация маркази” ДУКнинг  
Аkkредитация бўйича Осиё-Тинч океани ҳамкорлиги (APAC), Лабораториялар аккредитацияси бўйича халқаро  
ташкилот (ILAC) ва Аkkредитация бўйича халқаро форумга (IAF) тўлақонли аъзо сифатида кириши бўйича  
ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Тадбирлар иоми	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъуллар
<b>I. Мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги норматив-хукуқий базани такомиллаштириш</b>				
1.	Қонун ҳужжатларига ISO/IEC 17000 серияси халқаро стандарти ва Лабораториялар аккредитацияси бўйича халқаро ташкилот (кейинги ўринларда ILAC деб аталади) ва Аkkредитация бўйича халқаро форуми (кейинги ўринларда IAF деб аталади) талабларига мувофиқ Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги хузуридаги “Аkkредитация маркази” (кейинги ўринларда Аkkредитация маркази деб аталади) мувофиқликни баҳолаш органларнинг аккредитация ва инспекция назорати натижалари бўйича мустақил қарор қабул қилиш хукуқини бериш юзасидан ўзгартиришлар киритиш.	Ўзбекистон Республикаси Конуни лойиҳаси	2019 йил 1 июлгача	“Ўзстандарт” агентлиги
2.	ILAC ва IAF томонидан қабул қилинган стандартлар билан бир хил бўлган аккредитация соҳасидаги асос бўлувчи халқаро стандартларни амалга киритиш.	Идоравий хужжатлар	2019 йил 1 июлгача	“Ўзстандарт” агентлиги
<b>II. Аkkредитация маркази фаолиятини такомиллаштириш</b>				
3.	ISO/IEC 17011 халқаро стандарти талаблари ва тавсияларига мувофиқ Аkkредитация марказида сифат менежмент тизимини жорий этиш ва қўллаб-кувватлаш.	Тартибот хужжатлари, йўриқномалар ва низомлар	2019 йил 1 июнгача	Аkkредитация маркази

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъуллар
4.	Аkkредитация маркази мутахассислари, аккредитация қилинган объектлар, профессионал институтлар, тартибга солувчи органлар, мустакил эксперtlар вакилларидан иборат бўлган лабораториялар ва сертификатлаш органларнинг аккредитацияси бўйича техник қўмиталар ташкил этиш.	Идора хужжатлари	2019 йил 1 июнгача	Аkkредитация маркази
5.	Аkkредитация марказини халқаро ихтисослашган ташкилотларга киришга тайёрлаш учун хорижий маслаҳатчиларни шартнома асосида жалб этиш.	Ҳамкорлик тўғрисида шартнома	2019-2020 йиллар	“Ўзстандарт” агентлиги
6.	Аkkредитация марказини хорижий тилларни эгаллаган ва халқаро майдонда республиканинг манфаатларини илгари суриш салоҳиятига эга бўлган малакали ва ёш мутахассислар билан таъминлаш.	Мехнат битими	2019 йил 1 майгача	Аkkредитация маркази
<b>III. Халқаро ихтисослашган ташкилотларга кириш бўйича тайёргарлик ишлари</b>				
7.	ILAC, IAF ва аккредитация бўйича Осиё-Тинч океани ҳамкорлиги (кейинги ўринларда APAC деб аталади) талабларига мувофиқ тартибот ва мажбурий хужжатларни ишлаб чиқиш.	Идора хужжати	2019 йил 1 июнгача	Аkkредитация маркази
8.	Аkkредитация маркази фаолиятини ISO/IEC 17011 талабларига мослигини малакали хорижлик эксперtlарни жалб қилган ҳолда дастлабки тарзда баҳолаш.	Хорижлик эксперtlар хисоботи	2019 йил 1 сентябргача	Аkkредитация маркази
9.	Хорижий аккредитация органлари вакиллари билан мувофиқликни баҳолаш органларининг кўшма сайёр баҳолашларини ўtkазиш.	Баҳолаш тўғрисида хисбот	2019 йил 1 сентябргача (жадвал бўйича)	Аkkредитация маркази
10.	Аkkредитация миллий тизимининг баҳолаш натижаларини олиш ва аниқланган номувофиқликларни бартараф этиш.	Хорижлик эксперtlар хисоботи	2019 йил 1 ноябргача	Аkkредитация маркази
11.	Аkkредитация маркази ходимларини хорижлик эксперtlарни жалб қилган ҳолда ISO/IEC 17000 халқаро стандартларига ўқитиш.	Ўқитиш тўғрисида сертификат	2019 йил апрель-декабрь	Аkkредитация маркази

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъуллар
12.	APAC, ILAC ва IAF тадбирларида Аккредитация маркази вакиллари иштироки хамда мазкур ташкилотлар экспертлари томонидан баҳолашни ташкил этиш бўйича музокаралар олиб бориш.	APAC, ILAC ва IAF тадбирларида иштирок этиш тўғрисида хисобот	2019-2020 йиллар	Аккредитация маркази
<b>IV. Мувофиқликни баҳолаш миллий органлари фаолияти даражасини ошириш</b>				
13.	Мувофиқликни баҳолаш органларини белгиланган тартибда ISO/IEC 17000 халқаро стандартлари (охирги таҳририда) талабларига мувофик баҳолаш.	Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома	Жадвалга мувофик 2020 йил 1 февралгача	Аккредитация маркази
14.	Лабораторияларо таққослаш йўли билан мувофиқликни баҳолаш бўйича органлар малакасини текширишга доир фаолиятни янада ривожлантириш.	Тадбирлар мажмуаси	2019 йил 1 майгача	“Ўзстандарт” агентлиги
15.	Халқаро стандартларга (ISO, IEC, EN, Codex Alimentarius) мос келадиган синашнинг (ўлчашнинг) замонавий усулларини амалиётга жорий этиш.	Идора хужжатлари	2019-2020 йиллар	“Ўзстандарт” агентлиги, Соғликни сақлаш вазирлиги, мувофиқликни баҳолаш органлари
16.	Мувофиқликни баҳолаш органлари синон базасини модернизациялаш ва такомиллаштириш.	Чора-тадбирлар комплекси		
17.	Мувофиқликни баҳолаш органлари ходимларини хорижий экспертларни жалб килган ҳолда ISO/IEC 17000 халқаро стандартлари бўйича ўқитиш.	Режа-жадвал, Ўқитиш тўғрисида сертификат	2019-2020 йиллар	“Ўзстандарт” агентлиги, Аккредитация маркази
<b>V. Халқаро ихтисослаштирилган ташкилотларга аъзо бўлиш</b>				
18.	APAC нинг тўла хукуқли аъзоси мақомини олиш учун буюртманома бериш.	APACга буюртманомани йўллаш	2019 йил 1 декабргача	Аккредитация маркази

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъуллар
19.	APAC эксперtlари томонидан Аккредитация марказини баҳолаш (биринчи ва иккинчи баҳолаш) ҳамда мувофиқликни баҳолаш органларини биргалиқда баҳолаш, тузатиш тадбирларини олиб бориш.	APAC эксперtlарининг баҳолаш түғрисида хисоботи	2020 йил март-июль	Аккредитация маркази
20.	APAC нинг тўла хуқуқли аъзоси мақомини олиш.	APAC қарори	APAC Ассамблеяси якунни бўйича	Аккредитация маркази
21.	Аккредитация марказининг APAC-MRA кўп томонлама битимига қўшилиши бўйича зарур тартиб-таомилларни амалга ошириш.	APAC-MRA битими	2020 йил ноябрь	Аккредитация маркази
22.	ILAC ва IAF га тўла хуқуқли аъзоси мақомини олиш учун буюртманома бериш.	ILAC ва IAF га буюртманомани йўллаш	APAC-MRA имзолангандан кейин 2 ҳафта муддатда	Аккредитация маркази
23.	ILAC ва IAF эксперtlари томонидан Аккредитация марказини баҳолаш (биринчи ва иккинчи баҳолаш) ҳамда мувофиқликни баҳолаш органларини биргалиқда баҳолаш, тузатиш тадбирларини олиб бориш.	ILAC ва IAF эксперtlарини баҳолаш түғрисида хисобот	ILAC ва IAF билан келишилган холда 3 ой мобайнида	Аккредитация маркази
24.	ILAC ва IAF тўла хуқуқли аъзоси мақомини олиш	ILAC ва IAF тўла хуқуқли аъзоси мақомини олиш тўғрисидаги қарори	ILAC ва IAF Ассамблеяси якунлари бўйича	Аккредитация маркази
25.	Аккредитация марказининг ILAC-MRA ва IAF-MLA кўп томонлама ўзаро тан олиш битимига қўшилиши бўйича зарур тартиб-таомилларни амалга ошириш.	ILAC-MRA ва IAF-MLA билан битим имзолаш	тўла хуқуқли аъзоси мақомини олгандан кейин бир ой мобайнида	Аккредитация маркази

T/p	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъуллар
26.	ILAC, IAF ва APACнинг тегишли техник қўмиталари ва бошқа бўлинмалари билан иш юзасидан ҳамкорликни таъминлаш.	ILAC, IAF ва APAC га сафарлар ўюштириш	доимий асосда	Аkkредитация маркази

**Изоҳ.** Ушбу режсада назарда тутмилган тадбирларни амалга оширишида ишлаб чиқилаётган ҳужжатнинг шакли ўзгартирилиши ёки ишлаб чиқилаётган ҳужжат бошқа бандларда назарда тутмилган бошқа ҳужжатлар билан бирлаштирилиши мумкин. Икки ва ундан ортиқ ҳужжат бирлаштирилганда, тегишли бандларни ижро этиши учун белгиланган энг кеч муддат уларни ишлаб чиқиш муддати ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 24 апрелдаги 349-сон қарорига  
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб ҳисобланётган айrim қарорлари  
рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 14 октябрдаги 292-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 10-сон, 92-модда), 1-бандининг иккинчи хатбоши, шунингдек қарорга 1-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар кириши, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2017 йил 2 июндаги 348-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 6-сон, 92-модда) илованинг 6-банди.